


Ўзбекистонда болалар учун илк диний-маърифий журнал чоп этилади



09:02 / 11.10.2018 3541

Юртимизда айни кунларда кўнгилларга сурур, қалбларга ҳузур, кўзларга нур улашувчи яна бир янги нашр – «Илм ва одоб» журнали чоп этилишига тараддуд кўрилмоқда.

«Илм ва одоб» журнали Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Мовароуннаҳр» нашриёти муассислигида чоп этилади.

Ушбу журнал юртимизда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, болаларга соф исломий эътиқодни таълим бериш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Журналнинг ўз олдига қўйган мақсадлардан бири ёш авлодни дунёга донғи кетган аجدодларимиз ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таништириш, улар қолдирган бой маънавий меросни бола тафаккурига мослаб тарғиб этишдир. Шунингдек, янги нашр болалар ўртасида умуминсоний қадриятларни тарғиб этади.

Журнал болалар билимини оширишга ёрдамлашади. Эртамиз эгалари бўлган ёшларни Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган, буюк аجدодларга муносиб инсонлар этиб тарбиялаш йўлида хизмат қилади. У,

хусусан, юртимиз ёшларини имон-этиқодли, маърифатли, маънавий баркамол қилиб тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшади.

***Islom.uz* портали таҳририяти**